Шарқ юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ
АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОЙНОМАСИ

8 '1991


60-йил чиқиши

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Неъмат АМИНОВ
Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi



Баҳс

Шаҳобиддин Одилов

ТАНҚИДДАН ҲАМ ТУБАНМИ?

Маълумки, ҳар доим яхши асарлар билан бирга «ёмон» асарлар ҳам яратилади. Бунда қандайдир ёзилмаган ва англанмаган қонуният бордек гўё. Хусусан, ўзбек совет адабиёти ҳақида гап кетганда, уят ва андишани бир четга йиғиштириб қўйиб айтиш лозимки, бу ўзига хос каттагина адабиётнинг ярмидан кўпроғи жозибадан маҳрум, бадиий заиф, машқнамо бир нарсалардир. Уларни, ҳатто бадиий асар деб аташга ҳам тил бормайди. Аммо мен Америка кашф қилдим деб жар солмоқчи эмасман. Чунки, бу гаплар адабиётимиз ҳақида дилдан қайғурувчи ҳар бир зиёлига аллақачон маълум «кўҳна» ҳақиқатлардир. Лекин... Лекини шундаки, бундай «асарлар», одатда «танқиддан тубан» деган ёрлиқ билан нишонланадилару шу билан улар ҳақидаги гаплар тўхтагандай туюлади. Афсуски, тўхтамайди. Шунчаки, юқоридаги каби «ёрлиқлар» бу каби «танқиддан тубан» асарларга қимматли вақтларини беҳуда (?) сарфлашни истамаган машҳур ва «ҳозирча машҳур эмас» танқидчилар ва адабиётшуносларнинг ўз виждонларини юпатувчи таскин бўлиб хизмат қилади, холос. Аслида, ўша «танқиддан тубан» ижодий намуналар адабиёт ривожига (!) сезиларли (!) таъсир ўтказадилар. Улар ўзлари каби «танқиддан тубан» асарларнинг янада кўплаб урчишига кенг йўл очиб бериб, адабиёт даргоҳида бемалол жавлон уриб юраверади. Жуда ҳам улкан қўшинга арзигулик бундай ижодий намуналар аста-аста ҳамма нарсани забт эта бошлайдилар: аввало турли-туман марказий, маҳаллий ва ҳатто деворий нашрларни, сўнгроқ нашриётларни, радиони, ойнаи жаҳонни ва энг даҳшатлиси яхши асарга муштоқ ўқувчиларимиз онгини, дидини ўз тасарруфларига оладилар.

Аслида-ку, бу ҳол аллақачон содир бўлган. Биз — зиёлилар бор имкониятларимизнинг тўқсон фоиздан ошиқроғини аллақачон бой берганмиз. Яхши асарлар воситасида тарбияланиши зарур бўлган ўқувчиларимиз ўша «танқиддан тубан» нусхаларнинг улкан қўшинига аллақачон асирликка тушганлар. Ва улар мана шу маҳбусликнинг мафтуни ҳам бўлиб қолганлар. Ахир бу асирлик алғов-далғов замонда уларни ортиқча фаолиятга, руҳни ортиқ даражада қийнашга, ақлни кўпроқ ишлатишга ундамайди-да. Энди ўқувчиларни бу асирликдан халос этиш, уларни ҳақиқий бадиият намуналари билан ошно қилиш учун биз — танқидчи ва адабиётшунослар бироз андишасизроқ (!) бўлишимиз лозим. Йўқ, биз қўрқоқ, журъатсиз эмасмиз. Аммо ҳаддан ташқари андишалимиз. Ундай десам бунга тегиб кетмасмикан, бундай десам унга тегиб кетмасмикан қабилида иш юритаверіб шу даражага етиб келдикки, андишамиз айнан қўрқоқликка, айнан журъатсизликка айланиб қолганини сезмаймиз ҳам. Ёки буни била туриб билмасликка оламиз... Ҳали унчалик танилиб улгурмаган ёш ёзувчининг ижодига менсимай қараймиз. Фикр билдириш у ёқда турсин, ўқиб чиқишга ҳам ҳафсала қилмаймиз. Шу сабабли аниқ бир мулоҳаза айтиш лозим бўлганда умумий гаплардан нарига ўтолмаймиз. Зўр келса, «суяги қотмаган» ёш қаламкашга ортиқча баҳо беришга шошмайлик, деб ўзимизни панага оламиз. «Суяги қотган», ўртамиёна ёзувчилар ҳақида эса «Уларнинг бўлган-тургани шу. Танқид қилдингиз нима-ю, қилмадингиз нима...», ёки «Нодонга гапирган эсиз сўзим», деб қутулмоқчи бўламиз. Аслида эса уларнинг кўпгина асарларини ҳали ўқимаган чиқамиз... Шўрлик китобхон. У ўқийди. Ахир у китобхон-да! Аммо ўқувчи эмас, биз — адабиётшунослар ўзбек адабиётида яратилган ва яратилаётган ҳар бир асардан хабардор бўлишимиз шарт эмасми? Очиқроқ айтсак, мунаққид ҳар бир ўзбек ёзувчисининг янги асарини ўқишга мажбурдир. Бу унинг бурчи. Айни чоғда ўртамиёна ва ундан-да пастроқ даражадаги ижод намуналарини ҳеч бир андишасиз танқид қилиш, уларга қарши курашиш ҳам бурчимиз. Нонимизни ҳалоллаб емоқчи бўлсак, биз — адабиётшунослар шунга мажбурмиз. Зеро, табиблар каби илм аҳлининг ҳам лоқайд яшашга ҳақлари йўқ.

Турли матбуот нашрлари, нашриётлар ўша «танқиддан тубан» асарларни чоп этмасликка илож топа олмаётган эканлар, демак мунаққидлар янада муросасизроқ бўлиши лозим. Бинобарин, биз ушбу мақолада сўнгги йигирма йил ичида ўзбек адабиётида яратилган «ўртамиёна» ва «танқиддан тубан» асарлар, хусусан сўнгги йиллар ҳикоячилигидаги салбий кўринишлар ҳақида фикр билдирамиз.

Умуман олганда, 70—80-йиллар ҳикоячилигидаги камчиликлар фақат шу давргагина хос эмас. Чунончи, воқеалар бир маромда, силлиқ, ҳеч қандай зиддиятларсиз кечадиган ва ҳамиша яхшилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан тугайдиган асарлар ҳамма даврларда ҳам ёзилган. Буни адабиётшунослар «конфликтсизлик назарияси» оқибати деб баҳолайдилар. Биз ўрганаётган даврда ҳам шу сирадаги асарлар анчамунча яратилди. Масалан, Ҳаким Назирнинг «Қўмсаш», Ҳамид Ғуломнинг «Шифокорлар», Эсоной Содиқованинг «Тўти хола» каби ҳикоялари айнан ўша конфликтсизлик назарияси таъсирида ёзилганлиги сезилиб туради. «Тўти хола» ҳикоясида «қилдан қийиқ ахтарувчи» қайнонанинг ўз-ўзидан инсофга келиб қолиши келинини қанчалик ҳайратлантирса, бундан ўқувчи ҳам шунчалик жаҳбланиши аниқ. «Қўмсаш»да эса ҳеч қандай кутилмаган воқеа юз бермайди. Отаси ўқишга киритиб қўйган Наби ярим йил ўтмасданоқ «қишки имтиҳонларда қаторасига уч фандан» йиқилиб, қишлоғига қайтиб келади. Бу ерда эса уни севгилиси қучоқ очиб кутиб олади ва Наби у билан ёнма-ён туриб қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришиб кетади. Аммо Набининг ўқишга кириш воқеаси ёки бутун синф билан қўриқ ерларни ўзлаштиришга аҳд қилиши ҳамда қўрикда аҳил, иноқ бўлиб ишлаётган собиқ синфдошлар ҳақидаги гаплар шу қадар ёрқин бўёқларга буркаб тасвирланадики, бу ҳол беихтиёр турғунлик давридаги «Ёшлар учун ҳамма йўл очиқ», «Ҳаётимиз гўзал, фаровон» каби шиорларни ёдга солади. Омон Жарқинбоевнинг «Умр манзиллари» ҳикоясида юқоридагилардан фарқли ўлароқ қандайдир қарама-қарши қарашлар милтираб кўринади. Аммо жиддий зиддият даражасига кўтарилиши мумкин бўлган жумбоқ жўнгина ҳал этиб қўйилади: экинзорга айлантирилиши кўзда тутилган даштга темир-бетон заводи қурилишидан ташвишга тушган Умриддин чолнинг обком котибига учрашиши биланоқ қурилиш тўхтатилади. Масаланинг ўта юзаки ҳал этилганини шу билан ҳам исботлаш мумкинки, икки йил аввал Бўстонлиқ туманида қурилиши мўлжалланган аллақандай электроника заводи биноси айни экинзорлар ўрнида режалаштирилган эди. У ишга тушгудек бўлса яна юзлаб, минглаб майдондаги экинзорни қуриб-қовжирашга маҳкум этарди. Аммо юзлаб ёзувчи ва журналистларнинг, эътиборли олимларнинг бу ҳақда бонг уриб чиқишлари, узоқ муддат жиддий курашишлари туфайлигина завод қурилиши тўхтатилишига эришилди. Мазкур ҳикояда эса Умриддин чолнинг ёлғиз ўзи қурилишни бекор қилишга осонликча муваффақ бўлди. Бу албатта, ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. «Турмушимизда учрайдиган қарама-қаршиликларни шу хилда осонгина ҳал қилиб ўқувчини ишонтириб бўлмайди». *(Е. Яқвалхўжаев. Насрдаги илк қадам. «Шарқ юлдузи», 1979 й., 3-сон.)*

Туроб Акбархўжаевнинг «Араз» ҳикояси ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Заррагул севгилисига ёқиш учун пардоз-андоз қилади. Аммо Жабборали унинг бу қилиғини кўриб қаттиқ ранжийди, аразлайди. Заррагул пардоз-андозни йиғиштириши ҳамоно икки ёш яна иноқ бўлиб оладилар. Ҳикоядаги бор-йўқ ҳодиса мана шундан иборат. Кўриниб турибдики, унга асос қилиб олинган воқеа 70—80-йиллар ҳаётига асло хос эмас. Заррагул ва Жабборали қиёфалари ҳам бугунги замондошимиздан кўра кўпроқ 30-йиллар одамларига ўхшайди.

Конфликтсизлик касалининг асоратларидан бошланган гап мавзунинг долзарблиги ва қаҳрамонларнинг ҳаётийлигига келиб боғланиши бежиз эмас. Маълумки, бадиий асарнинг, хусусан, ҳикоянинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам уч асосий омилга боғлиқ. Бу мавзунинг муҳимлиги, ғоянинг аниқлиги, салмоқли экани ва бадиийлигига тааллуқлидир. Зеро, ҳар қандай яхши асар, асосан мана шу омиллардан таркиб топади. Яъни, ёзувчи аниқ бир ғояни, салмоқли бир фикрни ифодалаш учун муносиб мавзу — манба танлайди ва уни ёрқин талқин қилади. Бадиийлик эса, ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, бир қанча унсур ёки воситалардан ташкил топади. Қизиқарли воқеалар тизмаси, образли ифода, жонли, тўлақонли қаҳрамон қиёфасини яратиш, асар мусиқийлигини таъминлаш, маиший турмушни аниқ гавдалантирувчи тафсилотлар, чизгилар топиш, ҳаёт мантиғига қатъий риоя қилиш ва ҳоказо... Албатта, буларнинг бари сўз ёрдамида амалга оширилишини унутмаслик лозим.

Мана шу тушунчалар билан қуролланган ҳолда 70—80-йиллар ҳикоячилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, талай камчиликлар яққол кўзга ташланиб қолади.

Юқорида конфликтсизлик касалининг асоратлари ҳақида гапиргандик. Ҳаётни юзаки тасвирлаш, ижтимоий камчиликларни хаспўшлаш ёки умуман тилга олмаслик, теран фалсафий мушоҳадалардан қочиш бу иллатнинг асосий белгиси. «Тўти хола», «Қўмсаш» ва «Умр манзиллари» ҳикояларида айнан шу нарсалар етишмайди.

Устига-устак яна бир туркум ҳикоялар ҳам борки, илк қарашда улар ижтимоий иллатларни фош этишга бағишлангандек туюлади. Аслида эса уларда баъзи ижтимоий иллатлар шунчаки тилга олиб ўтилади ёки жуда юзаки, умумий тарзда тасвирланади. Ҳабиб Темировнинг «Ака-укалар», Зулфиқорнинг «Пора» ҳикоялари шулар жумласидандир. Масалан, «Ака-укалар»да олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишдаги ноҳақликларга ишора бор. Ўша ноҳақликлар юзаки тарзда қайд этилади. Ҳикоя қаҳрамони қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга киролмай қолган бир йигитча. У кириш имтиҳонида муваффақиятсизликка учраганида «гоҳ нафрати қўзғайди, гоҳ йиғлагиси келади». Акасининг маслаҳатига кириб политехника институтига ҳужжат топширмасдан қулай имконияти бой берганига астойдил ачинади. Ҳикоя якунида эса Ғайратнинг қишлоққа қайтишга, ҳалол меҳнат билан шуғулланиб, келаси йили ўқишга бошқатдан ҳаракат қилишга аҳд этгани таъкидланади. Ёзувчи кўтарган масалалардан бири олий ўқув юртига киришдаги адолатсизликлар, иккинчиси ҳаётда ўз ўрнини топиш муаммоси. Буларнинг жиддийлиги, долзарблиги шубҳа уйғотмайди. Аммо уларни ҳикояда тасвирлангани сингари юзаки, енгил-елпи ҳал этиб бўлмайди. Айниқса, олий ўқув юртларига қабул пайтидаги ғирромликлар, ноҳақликларнинг илдизлари ҳатто ҳозирги қайта қуриш даврида ҳам батамом тугатилгани йўқ. Бинобарин, мазкур масала жиддий таҳлилни, кескин тўқнашувларни талаб қилади. Ҳикояда эса муаммо юзаки тасвирланади, холос. Демак, муаллиф масаланинг моҳиятини дадил кўрсата билмаган.

Ҳатто тажрибали ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Ойнинг олтин ўроғи» ҳикоясида ҳам воқеалар анча жўн тасвирланганини кўрамиз. Асардаги Норбўтаевнинг қаерда ишлаши ва қандай одам экани аниқ тилга олинмайди. Аксинча, нуқул унинг беҳисоб бойликлар йиққани, буларни ҳаром йўллар билан орттиргани таъкидланади, айтиб ўтилади, холос. Фақат тасаввур кучи билангина гап қурилишдаги нопок ишлар: кўзбўямачиликлар, талон-торожлар хусусида эканини пайқаш мумкин. Муаллиф ҳатто салбий қиёфалар фош этилгандан кейин ҳам умумий гаплардан нарига ўтмайди. Нурилла тилидан уларнинг «афтидан, муттаҳамлик, қаллоблик» қилганлари, «гапларга қараганда... фақат алдаш билан кун ўтказишлари» таъкидланади, холос. Бу муттаҳамлик, қаллоблик ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мадан иборат экани, улар одамларни қай йўсинда алдаб яшаганлари ҳақида аниқ бир манзара тасвирланмайди.

Ижтимоий иллатларнинг юзаки баёнини афсуски, бошловчи ҳаваскорларда ҳам, малакали ҳикоянависларда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Унинг иккита муҳим сабаби бор. Биринчидан, 70—80-йилларда жумҳуриятимизда ижтимоий иллатларни фош қилувчи асарлар камситилгани билан боғлиқ. Зеро, таъқиблардан зада бўлиб қолган айрим ёзувчиларнинг асарларида фуқаролик руҳи сусая бошлагани сир эмас. Иккинчидан эса, баъзи ижодкорлар истеъдод, савия, билим даражасига боғлиқ ҳолда кўпинча ижтимоий иллатлар моҳиятини чуқур англаб етмадилар. Ҳар икки ҳолда ҳам бу камчилик, яъни нуқсонларнинг юзаки тасвир этилиши ёзувчида ҳаётий мавқенинг илғор эмаслигидан дарак беради.

Мазкур ҳодиса ўша давр ҳикояларига хос яна бир камчиликни ёдга солади. Бу — тасвирдаги нўноқликка бориб тақалади. Муайян тасвир, воқеалар ва қаҳрамонлар моҳиятини очадиган белгилар топиб қўллаш ва жонли одамлар қиёфасини яратиш бадиийликнинг асосий шартларидан эканлиги маълум. Бинобарин, бу борадаги камчиликлар баъзи ёзувчиларда бадиий маҳорат етишмаслигидан дарак беради.

Афсусланарли жойи шундаки, 70—80-йиллар ҳикоячилигида бадиий жиҳатдан хом асарлар хийлагина топилади. Бу даврда яратилган бир туркум ҳикояларда юқоридаги камчиликлар баробарида қаҳрамонларнинг ҳаётий, жонли, тўлақонли эмаслиги ҳам билиниб туради. Аксариятида эса воқеалар ва характерлар моҳиятини очувчи аниқ бир чизгилар мутлақо кўринмайди. Албатта, бу камчиликларни алоҳида-алоҳида ажратиб кўрсатиб бўлмайди. Зеро, булар бир-бирига бевосита боғлиқ тушунчалардир. Умуман, бадиийлик шундай бир мўъжизаки, бирон бир унсурнинг ўринсиз ишлатилиши ёки сохталиги уни йўққа чиқаради, яъни асарнинг мукаммаллигига путур етказади. Масалан, Шойим Бўтаевнинг ҳажман катта бўлмаган «Дунёнинг сарҳисоби бор» ҳикоясида воқеалар қалашиб кетган. Карим отанинг ток остидан топиб олган одам суягини мозорга элтиб кўмиши ва худойи қилиши тугал бир воқеа. Унинг давлат хўжалигида янги тутзор барпо қилиш учун жон куйдириб елиб-югуришлари-ю, кўчада йиғлаб турган болага ҳамдард бўлиши, эрининг маст-аласт юришларидан безиб кетиб қолган аёлни болалари ёнига қайтариб олиб келишга отланиши ҳам ўзича мустақил воқеадир. Кўриниб турибдики, кичик ҳикояда учта асарга манба бўла оладиган воқеалар тизмаси мавжуд. Аммо уларнинг биронтаси ҳам мукаммал тасвирланмагани учун Карим ота образи ёркин чиқмай қолган. Тўғрироғи, муаллиф бор воқеа доирасида Карим ота сиймосининг ҳаётийлигини таъминлай билмагани туфайли ҳикояга янги-янги чизгиларни қўшаверган. Оқибатда қаҳрамоннинг ҳолати, ўй-кечинмаларини эса ҳаққоний, теран тасвирлай олмаган. Масалан, у Карим ота ток пушталари орасидан «қачонлардир дафн этилган» инсоннинг сон суягини топиб олганини айтади. Бу эса икки жиҳатдан ўқувчини ишонтирмайди. Биринчидан, ток пушталари анча юза чопилади. Бинобарин, дафн қилинган жасаднинг суяклари бу қадар юзада ётиши ишонарсиз. Қолаверса, пушталар ҳар йили чопилади. Демак, суяклар юза кўмилганда улар аллақачон сезилган бўлар эди. Агар Карим ота ток остига гўнг кўмиш учун чуқур қазиётганда суякларни топиб олса ҳам бошқа гап эди. Иккинчидан эса, Карим отанинг фақат сон суягини топиб олиши ҳам ишонарсиз. Ахир инсоннинг сони алоҳида кўмилмайди-ку. Хуллас, ёзувчи ўзи тасвирланаётган воқеага бизни ишонтириши учун қўшимча чизгилар, ҳолатлар зарурлиги шундоққина кўриниб турибди.

«Дунёнинг сарҳисоби бор» ҳикоясининг муаллифи эса воқеаларни юзаки қайд қилишдан нарига ўтмайди. Ҳолбуки, «ҳаётдан шунчаки нусха кўчириш билан ҳаққоний образ яратиб бўлмайди» (*Н. Худойберганов*).

Афсуски, М. Хайруллаев (*«Улғайиш»*), Э. Охунова (*«Сутдай саҳарларда»*), Олмос (*«Ов»*), Е. Акромова (*«Уйинчоқ»*), А. Жўраев (*«Сўқмоқлар»*), А. Кўчимов (*«Ўғил»*), Г. Раҳматуллаев (*«Бир сиқим тупроқ»*), Н. Раҳимов (*«Нон ҳиди»*), А. Даминов (*«Кўнгил»*), Ҳабибулло (*«Хиёнат»*), А. Юнусов (*«Тунукасозлар»*), М. Пирриев (*«Хотима»*) каби бошқа кўплаб ҳикоянавислар ҳам ҳаёт воқеаларини юзаки тасвирлаш, жўнгина баён қилиб бериш орқали ҳикоя яратишга беҳуда уринадилар. Беҳуда! Зеро, «Чуқур психологик таҳлил, руҳий баёнга берилиш муаллиф ижодий имкониятларининг ғоят ғариблигидан далолат беради»[1]. Қуруқ таърифу тасвифлар, кўпгина баёнлар ёрдамида бадиий асар яратиш мумкин эмас.

Айниқса, киши табиатини яратиш бобида жуда кўп ҳикоянависларнинг нўноқлиги, бадиий маҳорат сирларини яхши эгалламаганлиги яққол билиниб қолмоқда.

Масалан, Мирмуҳсиннинг «Авлиёнинг миси чиқди» ҳикоясидаги Тувалоқ қори образи тасвирида зиддиятли ўринлар учрайди. Чунончи, ёзувчи эътирофига кўра «Тувалоқ қори ҳар қандай шароитда ўзини йўқотмай, пинагини бузмайдиган одатга эга, камгап, умрида бошқаларга бирон маротаба бақириб гапирмаган кимса эди». Лекин Тувалоқ қорининг сири фош бўлишидан қўрқиб қоровул чол олдида довдирашлари ёки Умар исмли шофёрни сўкаётгани ҳақидаги манзарани ўқиб ҳайратланишингиз, юқоридаги тийнатнамога шубҳа билан қарашингиз табиий. Қарангки, ҳикоя қаҳрамони бошқача ҳаракат қилади, муаллиф эса уни бутунлай бошқача таърифлайди. Бу ердаги зиддиятнинг асосий сабаби шундаки, ёзувчи шунчаки сохта «авлиё» сиймосини яратмоқчи бўлган. Аммо ўша сохта «авлиё»нинг ҳам аввало одам, тирик бир инсон, бизнинг замондошимиз эканига эътибор бермаган. Натижада, юзаки, умумий тасвирланган Тувалоқ қори қиёфаси кўз олдимизда аниқ бир қиёфа касб этмайди.

«Мен ломаконмен, — дейди Тувалоқ қори ўзи ҳақида, — мен — Хўжа аламбардор эшон чиллахонасида ўтирғонмен, — мен Абубакр Муҳаммад ибн Исмоил ал Каффол — Шоший мақбараларида шайх бўлуб, тупроқ ялаганмен, мен мутасаввуфмен, илгариги замон бўлғонда Мансур Ҳаллождек дорга осурлар эрди». Айнан шу тарзда гапириш 20-йиллар, умуман, эски замон ўзбекларига хос эди. Замондошларимиз орасида эса, ҳатто мачит имомлари ичида ҳам бу тарзда сўзловчи кимсани топиш амримаҳол. Қолаверса, тасаввуф ҳақида юзаки эса-да маълумотга эга бўлган, сўзларни бу қадар танлаб ишлатадиган, силлиқ ва салобатли гапира оладиган Тувалоқ қорининг жиддий бир асос бўлмаган ҳолда ўз-ўзини фош қилиши анча ишонарсиз тасвирланган.

---

[1] Ш. Ризаев. Маҳорат етишмагач. «Ёшлик», 1984 й., 6-сон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахир Умар Тувалоқ қорига ҳеч нарсани эслатмайди, писанда қилмайди. У бор-йўғи: «Қўлимга тушдинг, Тувалоқ. Энди бундақа ҳунар чиқардингми? Одамларни алдаяпсанми?» дейди холос. Агар Тувалоқ қори ёзувчи тасвирлагани каби «Ҳар қандай шароитда ўзини йўқотмай, пинагини бузмай» тура оладиган одам бўлганда эди, у хотиржамлик билан: «Сиз сал янглишганга ўхшайсиз, бўтам», дея Умарнинг ўзини довдиратиб қўйиши мумкин эди. Ҳикояда эса Умарнинг бир оғиз дўқидан кейин Тувалоқ қори дарров ўғри эмаслигини, турмада ётмаганини таъкидлай бошлайдики, бунга ишониш қийин. Тувалоқ қори каби сохта авлиёлар бу қадар осон фош қилинганда эди, ҳалиҳануз янги-янги «авлиё»лар бош кўтариб чиқмаган бўларди.

А. Ҳотамовнинг «Ғалати одам» ҳикоясидаги қаҳрамон тасвирида ҳам шу каби чалкашликка дуч келамиз. Муаллиф баёнига кўра Ғайбулла «ишни сира ёлчитмайдиган, лекин ҳар кимсага яхшилик қилиш учун ўзини аямайдиган, шу йўлда унча-мунча ёлғон гапиришдан қўрқмайдиган, оққўнгил» одам. Аён бўлишича, Ғайбулла ҳар қандай вазиятда кишиларга ёрдам бера оладиган анча-мунча устамонлардан. Бундай кимсанинг «ишни сира ёлчитмаслиги», «дангасалиги туфайли катта бир трест раҳбарлигидан» бўшатилгани мантиққа тўғри келмайди. Ахир бувисининг таъзияси куни ҳам аллакимнинг институтда ўқиш ё ўқимаслигини ҳал этиш учун елиб-югуриб юрган одамнинг дангасалигига ишониш мумкинми?

Нортўхта Қиличевнинг «Оқим» ҳикоясидаги иззат-нафси, қадри учун курашувчи Султоннинг ихтиёрий тарзда лаганбардорлик қилиши ёхуд Адҳам Даминовнинг «Қайтиш» ҳикоясидаги «ўз касбини севган, ўқувчиларнинг муҳаббатини қозонган ўқитувчи Ражабнинг ўз ҳаётини зерикарли деб билиши бадиий асосланмаган. Яъни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-хаёллари, руҳияти ёркин кўрсатилмаган. Худди шу сабабларга кўра Ғаффор Ҳотамовнинг «Ҳаёт шами» ҳикоясидаги Салимбой образини ҳам тушуниш мушкул. Бир қарасангиз, — туппа-тузук фикрлайди, бир қарасангиз, довдир-совдир, «гапининг тайин-тутуруғи йўқ». Ёзувчи уни ўта беғубор, содда одам деб таъкидламоқчи бўлади. Аммо шундай деб таъкидланаётган Салим уйда ўтирганида юраги сиқилса, бирдан кўнглига шубҳа тушади. «Кўролмайдиганлар иссиқ-совуқ қилдимикан ё», деб ўйлайди. Бундай хаёлга борадиган одамнинг эса беғубор ва соддалигига шубҳаланамиз. Ажабки, у шаҳарда сиқилади, эзилади. «Уйга киргач тарс ёрилиб кетай дейди». Аммо отаси ва амакисига хат ёзиб уларни ҳам шаҳарга келишга ундайди. «Қишлоқда тарс ёрилиб кетмаганларингга ҳайронман...» деб ажабланади. Бу зиддиятли ҳолатларни эса ёзувчи қуруқ тасвирлашдан нарига ўтмайди. Қаҳрамон хатти-ҳаракатини етарли даражада далилламайди. Шу боисдан ҳикоя охирида Салимнинг уйдан бош олиб кетиши асоссиздек туюлади. Бош қаҳрамон табиати мантиғи очилмагани учун ҳикоя ғояси ҳам мавҳумлигича қолиб кетган. Айнан шундай фикрларни Асад Дилмуродовнинг «Дала ўртасидаги уй» ҳикояси ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ҳикоя Латифбой исмли етимликда ўсган йигитнинг қишлоқдаги энг сулув қизга уйланиб ичкуёв бўлгани ва бир неча йиллардан сўнг оиласини чўлга кўчириб олиб кетгани воқеасидан иборат.

Латифбой «тепса тебранмас, ит ётишу мирза туришдан бўлак тирикчилиги бўлмаган, тантиқ жўралари билан оти бору ўзи йўқ иззатни талашиб бурун қонатиб юрадиган йигит». У «тоғни урса толқон қилворадиган» кучга эга, аммо «колхозда шунчаки эрмак учун» ишлайди. Тортинчоқ. «Оғзидан гапи тушиб кетадиган» даражада лалайган. Қизиққи, мана шундай йигит чимилдиқни эскилик сарқити деб билади, уни «қанча тез йўқотилса созлигини» айтиб қизишади. Ваъдага вафосизлик қилиб қайнатасини ранжитади. Унинг маъракасида безбетликка бориб Сайфи монтёрни сўкиб беради. Қадрдон ерлардан кўчиб кетаётгани учун эзилиб йиғлаётган хотини ҳақида «Ҳа, энди бу аёллигига боради, бунақа вақтда аёлга кўзёш ярашади-да», деб ўйлайди. Ўзининг кимлигини англашга интилади. Алоҳида ўз уйи бўлишини орзу қилади. Унинг бу каби хатти-ҳаракатлари, ўй-фикрлари ёзувчи тасвирлаган образнинг табиати мантиғига мутлақо тўғри келмайди. Муаллиф эса унинг нотайин хатти-ҳаракатларию мужмал ўй-хаёлларини муайян белгилар, аниқ тасвир орқали ойдинлаштирмайди. Масалан, унинг ўз қайнотасининг уйига кириб туриб ҳар гал нимагадир секингина бир тўхтаб, нимадандир «ҳадиксирагандек» тевараккa аланглаши ва нима учун «қўққисдан ортига — тўридан гўри яқин холасининг очин-тўқин дамлари ичечган фаришталари хонадонига» қайтгиси келиши ҳикоя охирида ҳам англашилмай қолаверади.

Афсуски, ҳикояда киши табиатини ярата билмаслик, улар моҳиятини кўрсата олмаслик иллати юқорида номлари саналган ёзувчилардан ташқари яна Зоир Мамажонов (*«Неваралар»*, *«Яхши йигит»*), Ўринбой Усмонов (*«Афсонага ишонадиган йигит»*), Ашурали Жўраев (*«Кўзмунчоқ»*), Муталлиб Содиқов (*«Мона Лиза»*), Собир Унаров (*«Қиш кунларидан бири»*), Турсунмурод Эрматов (*«Ҳимоят»*), Бахтиёр Каримов (*«Бир тақдир нақли»*), Абдуқаҳҳор Иброҳимов (*«Осмон яқин, ер юмшоқ»*), Тўлқин (*«Амма»*) каби ҳикоянависларга ҳам тааллуқлидир.

Бу давр ҳикояларига хус қусурлардан яна бири ўзига хослик масаласи билан боғлиқдир. Аниқроғи, кейинги йиллар ҳикоячилигимизда тақлидбозлик намуналари ҳам кўплаб яратилди. Чунончи Ғаффор Ҳотамов қаламига мансуб «Дори» ҳикояси В. Шукшиннинг «Илон заҳри» асарига ўхшаб қолган. Зеро, ҳар икки ҳикояда айнан бир хил воқеа, бир хил қаҳрамонлар тасвирига дуч келамиз. Шукшин ҳикоясининг қаҳрамони Максим ҳам, «Дори»даги Қурдош ҳам онаси касаллиги туфайли дори излайди. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам керакли дори топилмагач «ўрнига бошқа дори олишга мажбур» бўлади. Бу ҳикояларнинг сарлавҳасидан тортиб, ҳатто якунигача деярли ўхшаш. Шунингдек, Анвар Муқимовнинг «Кичкина узрли иш» ҳикояси эса У. Назаровнинг «Кунлар» қиссасидаги айнан ўхшаш бир воқеани ёдга солади. «Кунлар» қиссасида хонадонидаги меҳмонларнинг кайфи бузилмаслиги учун Қосимжон ака фарзанди оламдан ўтганини билдирмасликка, изтиробларини яширишга уринади. «Кичкина узрли иш»да эса колхоз раиси меҳмондорчилик қизиган бир пайтда вафот этиб қолган онаси ўлими туфайли меҳмонларнинг кўнгилхушлиги бузилиб қолишидан гўё андиша қилади. Айнан шу ҳикоя тасвирида, хусусан, даҳшатли шамол тасвирланган ўринларда Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясига тақлид излари сезилади. Қамчибек Кенжанинг «Ота ўғил», Сойим Исҳоқовнинг «Тоға», Асад Дилмуродовнинг «Бешик» ҳикоясидаги қариялар образлари бир-биридан кам фарқ қилади. Ҳар учала асардаги қаҳрамонлар қиёфаси ҳам ўта содда, бироз гўл, камсуқум, лекин бағри кенг, олижаноб инсон сифатида тасвирланади. Уларнинг барчасида ана шу қарияларнинг зиёли ёшларга нисбатан маънавий жиҳатдан устун эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилинган. Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Ўхшашликлар, аниқроғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақлидбозликларнинг илдизи қаерда? Мунаққид У. Норматов фикрига кўра, мазкур иллат ҳикоянависларимизда «изланиш, оригиналликка интилиш туйғуси сусайгани» натижасида келиб чиқади. «Асардан асарга ўтиб юрадиган «сайёр» персонажлар: ситуация ва деталлар, ҳодисаларнинг бир хилдаги талқини — булар айни ўша ёзувчидаги изланиш туйғусининг сустлиги оқибатидир».[1]

Бу ва яна юқорида айтиб ўтилган бошқа барча камчиликларнинг асосий сабабини бир сўз билан бедардлик деб аташ ҳам мумкин. Зеро, ўқувчи билан баҳамлашадиган жиддий бир дарди, айтадиган салмоқли, янгича фикри бўлмай туриб ҳикоя, умуман, бадиий асар яратишга уринган ижодкор, муваффақиятсизликка учраши табиийдир.

Бадиий асарни мусиқага қиёслаш мумкин. Аслида ҳам, ҳар қандай етук бадиий асар асосида маълум бир мусиқа мавжуддир. Шу маънода ҳикояни якка асбобда қиёмига етказиб ижро этилган куйга таққослаш ўринлидир. Ёзувчининг муайян гапи бадиий асар ғоясини ташкил этади. Ўша ғояга шахсий муносабат ва услуб эса асар шаклини белгилаб беради. Зеро, услуб ёзиш усулигина бўлмай, балки асар учун манба, қаҳрамон ҳамда ифода воситаларини танлаш ҳамдир. Биз юқорида айтиб ўтган мусиқийлик услуб, айни чоғда шаклнинг ажралмас бир қисмидир. Аммо бу гап асло бадиий асарни ноталар тили билан ифодалашни англатмайди. Мусиқийлик тасвирнинг, воқеалар ва характерлар ривожининг маълум бир оҳангга асосланишидан иборатдир. Бу оҳанг эса ижодкор шахснинг ички кечинмалари оқибати тарзида юзага келади. Айнан ана шу кечинмаларнинг юзакилиги ёки умуман мавжуд эмаслиги юқорида эслатилган бедардлик белгиси ҳисобланади. Маълумки, мусиқа асари ноталарни ўрнини топиб қўллаш билангина яратилмайди. Унда ҳам муваффақиятлар сири ижодкорнинг ички кечинмалари, юрак туғёни нечоғлик кучли эканидадир. Нота эса қалб дардини ифода этувчи восита, холос. Аслида ҳар бир асарнинг ғояси, руҳи санъаткор қалбида туғилади.

Афсуски, шу ўринда оддий ҳақиқатни яна бир бор такрорлашга тўғри келади: биз учун ёзувчининг нияти қай даражада олижаноблиги эмас, балки уни нечоғлик юзага чиқара олгани муҳимроқдир. Юқорида кўриб ўтилган ҳикоялар муаллифлари ҳам яхши ниятда қалам ушлаганига шубҳа қилмаймиз. Аммо улар таҳлилидан аён бўлдики, етук бадиий асар, хусусан, ҳикоя яратиш учун эзгу мақсаднинг ўзи камлик қилар экан. Балки шунинг учундир, 70—80-йилларда ўзбек адабиётида яратилган юзлаб «кичик мўъжиза»ларнинг аксарияти, юксак бадиият талабларига жавоб бера олмайди. Кўпгина мунаққидларнинг нописанд ибораларига кўра, булар ўртамиёна ёки «танқиддан тубан» асарлардир. Бундай асарларнинг нечоғлик кўп ёки кам бўлиши, ўқувчи дидига қай даражада таъсир қилиши эса маълум маънода адабиётшуносларимизнинг виждонига ҳам боғлиқ.

Нинель Владимирова

ИЛДИЗЛАРГА НАЗАР СОЛАЙЛИК

Жуда кўплар, жумладан, Шаҳобиддин Одилов томонидан анчагина қизиқарли таҳлил этилган ўзбек ҳикоячилиги ўз тараққиёти давомида, агар уни узлуксиз тадриж сифатида қарайдиган бўлсак, ҳам бадиият, ҳам ижтимоий ва эстетик нуқтаи назардан муайян ютуқларни қўлга киритиб борганини тан олмай иложимиз йўқ. Бу тинимсиз изланишлар ва камолот йўли бўлди. Унда турлитуман йўналишлар бор. Тажриба тўпланди, воқеаларни баён этиш тарзида ҳам, қаҳрамон характерини тасвирлаш ва композицияда ҳам муайян бадиият услублари ўзлаштирилди.

«Маълумки, — деб ёзади мақола муаллифи, — бадиий асарнинг, хусусан, ҳикоянинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам уч асосий омилга боғлиқ. Бу мавзунинг муҳимлиги, ғоянинг аниқлиги, салмоқли экани ва бадиийлигига тааллуқлидир. Зеро, ҳар қандай яхши асар, асосан мана шу омиллардан таркиб топади. Яъни, ёзувчи аниқ бир ғояни, салмоқли бир фикрни ифодалаш учун муносиб мавзу — манба танлайди ва уни ёрқин талқин қилади. Бадиийлик эса, ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, бир қанча унсур ва воситалардан ташкил топади. Қизиқарли воқеалар тизмаси, образли ифода, жонли, тўлақонли қаҳрамон қиёфасини яратиш...» ва ҳоказолар.

Ш. Одилов сўз юритган бу омиллар тўғри, лекин уларнинг тўғрилиги барча азалий ва ҳаммага маълум ҳақиқатлар кабидир. Аслини олганда, шунинг ўзи ҳам қолип-ку! Жўн ва меъдага тегиб кетган воқеалар тизмасидан ҳикоя ясовчи носирлар амал қилган қолипга ўхшаш оддий бир андоза-ку! Танқидчи ҳам, адабиёт назариячиси ҳам бундай андозалардан қочиши керак эмасми? Қачонлардир Маяковский шеърият бу аблаҳона бир нарса, бироқ ундан ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан, деб ёзган эди. Албатта, учта омил бор дейиш мумкин. Ўттиз учта омил бор дейиш ҳам мумкин, сон-саноқсиз омиллар бор деса ҳам бўлаверади. Бироқ чинакам санъат ҳеч қандай босма қолиплар билан ўлчаб бўлмайдиган нарсадир. Унда ҳар доим қолипдан чиқиб қоладиган нимадир мавжуд бўлаверади. Уни англаб бўлмайди, ўлчаш мумкин эмас, у шунчалар нозик — бироқ айни шу хусусият ижодкорни ҳақиқий санъаткор деб тан олишга мажбур қилиб туради. Ҳаёт ҳақиқатини

[1] У. Норматов. «Муҳими — моҳиятни очиш». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 2 март.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Муҳаммад Раҳмон. Умрим, эрким ул чироққа товондур 3
Эркин Самандар. Аждодлар қиличи. *Тарихий фожиа* 63
Тўлан Низом. Соғинчларинг чўғларини жисмим аро жойладим 114

НАСР

Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси 7
Усмон Азим. Ҳикоялар 43

МУШОИРА

Имон тилар бир Ватан бор 40

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Алиназар Эгамназаров. Ҳавога ўрлаётган заҳар 99

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Дилшод Ражабов. Оламдан алам кетсин 117

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи 119

НАВОИИХОНЛИК

Баҳром Бафоев. ...Топдим ул калом ичра камол 141
Урфон Отажонов. Навоий ижодини ўрганиш тарихидан 144

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Муқимий. Навоий ғазалига мухаммас 148
ҚУРЪОН 149

АСР САДОЛАРИ

Рафиқ Мўмин. Шеърлар 169

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиакбар Шайхов. Мутамах. *Илмий-фантастик ҳикоя* 172

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Ирисали Тошалиев. Ўрганган кўнгил... 182
Раит Абдуллаев, Маҳаматвали Муродов. Жамоа хўжалигининг умри тугадими? 186

БАҲС

Шаҳобиддин Одилов. Танқиддан ҳам тубанми? 193
Нинель Владимирова. Илдизларга назар солайлик 197

ЕДНОМА

Ислом Усмонов. Ҳақиқат туғилган йил 202

ГУЛҚАЙЧИ

Қудрат Дўстмуҳаммад. Дардисар «никоҳ»... Ҳажвия. 206

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 8
Журнал Союза писателей Узбекистана
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

Мусаҳҳиҳлар **Ш. Мусаев, И. Нормуродова**

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Рассом **Ғ. Алимов**

Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 5.06.91 й. Босишга рухсат этилди 5.07.91 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2 Тиражи 111853. Буюртма 5510. Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi